

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2020-5/1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2020

МУНДАРИЖА

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

| | |
|---|----|
| Fozilov Sh.M., Qulmatov K.A. Bug'doy navlarining sut pishish fazasida suv almashinuv xususiyatlari | 5 |
| Бердиев У.Б. Изучение влияние пестицидов на изменение содержания свободных радикалов в крови млекопитающих | 7 |
| Бозорова Г.С., Ибодуллаева Ю.О., Рахматова К.И., Тажетдинова Д.М., Тожибаев К.Ш. Ўзбекистон миллий гербарийси (Tash) ноёб илмий объектида сақланаётган <i>Gentiana L.</i> туркуми турларининг таҳлили | 10 |
| Дусчанова Г.М., Рахимова Н.К., Абдиназаров С.Х., Темиров Э.Э., Носиров С.С. Структурные особенности анатомического строения листа <i>Juno maracandica Vved.</i> (Iridaceae), произрастающего в естественных и интродукционных условиях Узбекистана | 16 |
| Искандаров А.И., Тожибаев К.Ш., Бектурдиева З.И., Оллаберганова М.М., Максудова Г.Х. Ўзбекистоннинг жанубий-шарқий Қизилкумида тарқалган <i>Суғд</i> лоласи | 20 |
| Комилова Д., Қаюмова Ё., Шералиев Б. Қорадарё сув ҳавзаси ихтиофаунасининг систематик тур таркиби | 22 |
| Қўчқоров А.Х., Мусаев Д., Эргашева Х.А. Ўсимликдаги қандалаларни ҳисоблашнинг қулай ва ҳаммабоп усуллари яратиш | 28 |
| Маърупов А.А., Зокиров И.И., Султонов Д.Ш. Тут узунмўйлов қўнғизи (<i>Trichoferus campestris Fald.</i>) нинг биологияси ва зарарига оид маълумотлар | 31 |
| Намозов Х.Қ., Амонов О.С., Нафетдинов Ш.Ш., Салимова Х.Х. Бухоро воҳаси суғориладиган ерларининг тупроқ-мелиоратив тавсифи | 36 |
| Рахматуллаев Б.А. Систематический анализ свободноживущих нематод водохранилищ Сурхандарьинской области | 43 |
| Тургинов О.Т., Акбарова М.Х., Набижонова Г., Хужаахмедов Ж., Жураев З. Распространение <i>Scutellaria comosa Juz.</i> (Lamiaceae) в ботанических и географических районах Узбекистана | 45 |

ТАРИХ ФАНЛАРИ

| | |
|--|----|
| Madalimov T.A. Qadimgi Xitoyda mantiq ilmining shakllanishi | 51 |
| Қаюмов Қ.Н. Ўзбекистонда зўравонликдан ҳимоя қилишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари | 52 |
| Матъязова Н.С. Хоразм “Тўрўғли”сида Авазхон фаолияти билан алоқадор достонларнинг оғзаки ва ёзма вариантлари | 55 |
| Махмудова Н.Б. В Туркестане, кадры решали все? | 59 |
| Насиров О.Н. Россия империяси даврида Туркистонда темир йўллар қурилиши соҳасида иш юритган акциядорлик жамиятлар | 62 |
| Очиллов А.Т. Бухоро воҳасининг антик ва илк ўрта асрлар даври маданиятининг ўрганилиши | 64 |
| Раҳимов К.А. Жарқўтон ёдгорлигидаги вақтинчалик фойдаланишга мўлжалланган ўчоқлар | 66 |
| Хайтметов Р.К. Иммануил Кант фалсафасида олам ва одам муаммоси | 71 |

интересах благоустройства края, разлилась по уровню обособившихся ведомств. Таким образом на вопрос, решали ли руководящие кадры все вопросы в Туркестане, оказывалось, что не всегда они могли быть весомыми и решающими, хотя когда-то, первый Туркестанский генерал-губернатор фон-Кауфман в своей речи [1 января 1868г. – Н.М.], обращённой к населению, мог сказать: «Помните моё слово – оно твёрдое потому, что сказано вашим высшим начальником, представителем здесь «Русского Правительства», которое достаточно сильно, чтобы выполнять, несмотря ни на что, свою волю». Однако, сорок лет спустя этот представитель Русского Правительства после целого ряда пререканий с местным органом одного из ведомств, был вынужден писать Министру финансов 14 марта 1909г. жалобное письмо, (на которое так и не получил ответа) о том, что создавшееся положение вещей чрезвычайно осложняет управление краем, возложенное на него волею Государя Императора» [4. – С.120.], но, сенатор К.К.Пален, как истинный приверженец царизма предлагал, в интересах края власть начальника края значительно усилить и ни в коем случае не передавать подчинение Туркестанского генерал-губернаторства из Военного министерства Министерству внутренних дел.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Всеподданнейшая записка, содержащая главнейшие выводы отчёта о произведённой в 1908 – 1909 г.г. по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К.К.Паленым ревизии Туркестанского края». 1-2 части.- Санкт – Петербург: Сенатская типография, 1910. – 53 с.
2. Генерал А.Н.Куропаткин о Туркестанской ревизии // Туркестанский курьер, 1909. № 81.
3. И.А.Добросмыслов. Ташкент в прошлом и настоящем. -Ташкент, 1912.- С.94-95.
4. Краевое управление. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению Сенатором Гофмейстером графом К.К.Паленым. –Санкт-Петербург: Сенатская типография,1910. – С.270

ЎУК:616.89/618

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ТЕМИР ЙЎЛЛАР ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДА ИШ ЮРИТГАН АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАР

О.Н. Насиров, т.ф.н., доцент, Чирчиқ давлат педагогика институти, Чирчиқ

Аннотация. *Мазкур мақолада Туркистон Россия империяси таркибида бўлган даврда ўлкада маълум иқтисодий ва ҳарбий мақсадларда темир йўллари қурилиши, ушбу жараёнларда акциядорлик турдаги жамиятларни иштироки кўрсатиб берилган.*

Калим сўзлар: *акциядорлик жамияти, темир йўл, сармоядор, лойиҳа, таъсис, қурилиш.*

Аннотация. *В данной статье раскрываются экономические и военные причины строительства железных дорог в Туркестане в период царской России. В строительстве которых участвовали и акционерные общества.*

Ключевые слова: *акционерное общество, железная дорога, инвестор, учредительство, строительство.*

Abstract. *This article reveals the economic and military reasons for the construction of railways in Turkestan during the period of Tsarist Russia. In the construction of which joint stock companies also participated.*

Keywords: *joint-stock company, railway, investor, foundation, construction*

XIX асрнинг 80 йилларидан бошлаб империя ҳукумати Туркистонда ўзининг иқтисодий ва ҳарбий сиёсатини тўлиқ амалга ошириш мақсадида эътиборини темир йўллар қурилишига қаратди. Дастлаб темир йўллар қурилиши ҳукумат маблағи ҳисобидан амалга оширилди. Унга кўплаб маҳсул ҳарбий қурувчилар, темир йўл батальонлари, Россиянинг Марказий районларидан ишчилар, улардан ташқари, маҳаллий халқлар вакилларидан ҳам қора ишларга кўплаб кишилар жалб қилинди.

1880 йили темир йўл қурилишининг Каспий денгизининг Узун ота кўрфазидан Қизил-Арватгача бўлган қисми бошланди. 1888 йилгача бу йўл Ашхобод, Чоржуй, Когон орқали Самарқандгача чўзилиб, Каспий олди ҳарбий темир йўли номини олди. Ўша даврларда кўпгина рус ва чет эл сармоядорлари бу йўлни қурилишида Тошкентгача етказиш таклифи билан чиқишди. 1890, 1893 йиллари князь М.И.Хилков ҳукуматдан Самарқанд-Тошкент-Андижон

йўналишида темир йўлини қурилиши учун акциядорлик жамият тузишга рухсат сўради. Лекин унинг мурождати жавобсиз қолдирилди [1].

1892 йили Решетников, ҳукуматдан Самарқанд ва Қўқон шаҳарларини боғловчи темир йўл қуриш мақсадида акциядорлик жамият тузишга рухсат сўради. Лекин тузилиши режалаштирилган ушбу жамиятнинг устав лойиҳасига кўра, келгусида қуриладиган темир йўл 85 йилдан кейингина ҳукумат ихтиёрига ўтиши кўзда тутилган. 1893 йили Г.Л.Глуховский Самарқанд-Марғилон ва Жиззах-Тошкент шаҳарларини боғловчи темир йўллар қуриш мақсадида ҳукуматга мурожат қилиб, Ўрта Осиё темир йўллар қурилиши акциядорлик жамиятининг устав лойиҳасини тақдим этган. Г.Л.Глуховский ушбу темир йўллар қурилишини асосан давлатни кафолати асосида шахсий маблағлар ва акциялар чиқариш эвазига амалга оширишни режалаштирган [2]. Шу йили маҳкама маслаҳатчиси Ф.А.Половцев ва заҳира капитани Бибиқовлар ҳам акциядорлик жамияти таъсис этиш учун ҳукуматга мурожаат қилишган.

Темир йўллар қурилишида чет элликлар ҳам иштирок этишга ҳаракат қилишган. Жумладан, Франция ва Голландия банклари, Фив Лилль компанияси вакиллари Самарқанд-Андижон йўналишида темир йўл қурилишига ўз сармоясини киритиш истагини билдиришган. Лекин империя ҳукумати темир йўлларни қурилишида чет элликларнинг иштирок этишига қатъиян қарши бўлган. XX аср бошларигача темир йўллар қурилиши давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилган. 1899 йили темир йўллар Тошкент ва Андижон шаҳарларига етиб борди. 1906 йили Тошкент-Оренбург темир йўли ишга туширилди.

1905 йили ҳукумат томонидан “Темир йўлларни қурилишига шахсий капиталларни жалб қилиш тўғрисида” қонун қабул қилиниши, ушбу соҳада кўплаб акциядорлик жамиятларининг ташкил топишига сабаб бўлди. Темир йўли қурилиши бўйича инженер А.Н.Ковалевскийнинг омади келди. 1901 йили у Қўқон-Наманган темир йўли акциядорлик жамиятини ташкил қилишга киришди. Фақат 1908 йили жамиятнинг устав лойиҳаси тасдиқланиб, у ўз ишини бошлади. Жамиятнинг акциядорлик капитали 4.584.000 рублни, шундан таъсисчилар капитали 1.516.000 рублни ташкил қилган [3]. Жамиятга Наманган-Жалолобод, Андижон-Қўқон қишлоқ ва Чинобод йўналишларида темир йўллар қурилишига рухсат берилди.

Жамиятнинг фаолияти кенгайтиши акциядорлик капиталини кўпайишига сабаб бўлди. 1912 йили жамиятнинг номи ўзгартирилиб “Фарғона темир йўли акциядорлик жамияти” номини олди. Ўша вақтда жамиятнинг Фарғона водийсидаги темир йўллар қурилишида кетган маблағи 16.000.000 рублни ташкил қилди. 1914 йил Фарғона водийсида бошланган 200 км. узунликдаги қурилиш ишлари 1916 йилнинг баҳорида яқунланди. Ушбу темир йўл қурилишида кўплаб рус ва маҳаллий акциядорларнинг капитали сарфланди. Империя ҳукумати жамиятнинг темир йўли қурилиши борасидаги ишларидан манфаатдор бўлганлиги сабабли жамият томонидан чиқарилган 20.000.000 рубль миқдоридаги акцияларнинг ярми (агарда жамият касодга учраса) давлат томонидан кафолатланган эди.

1 - жадвал

| Йўналиши номи | Йўналиш узунлиги (чақирим ҳисобида) | Очилган йили |
|----------------------|-------------------------------------|--------------|
| Горчаково-Скобелев | 8 | 1912 |
| Андижон-Грунчмозор | 27 | 1914 |
| Қўқон-Наманган | 84 | 1912 |
| Андижон 1-Андижон 2 | 8,3 | 1914 |
| Грунчмозор-Жалолобод | 46,3 | 1915 |
| Когон-Бухоро | 12 | 1912 |
| Когон-Қарши | 147,4 | 1915 |
| Қарши-Амиробод | 144,2 | 1915 |
| Қарши-Самсоново | 109,2 | 1915 |
| Қарши-Ғузур Китоб | 114,0 | 1915 |

1913 йили Ковалевский томонидан Бухоро темир йўли акциядорлик жамияти таъсис қилинди. Шу йили жамият Когон-Термиз ва Қарши-Китоб йўналишларида темир йўли қурилиши ишлари бошланди. Бу темир йўлларнинг узунлиги 585 чақирим (сажа) бўлган. Жамиятга 3.122.000 рубль миқдорида акция чиқаришга рухсат берилиб, у ҳукумат томонидан кафолатланди. Бундан ташқари, Бухоро амири жамият ихтиёрига 6.000 десятина ер бериб, сарф

харажатларнинг 25% ни ўзи тўлашни зиммасига олди. Темир йўлни қурилишида минг нафар рус хизматчиси ва маҳаллий аҳолидан 15.000 ишчи ойига 22 рубль билан ишга олинган [4]. Бу йўлни қурилиши 1917 йил охиридагина тугалланди.

1912-1915 йиллар мобайнида Ўрта Осиёда ўнта йўналиш бўйича темир йўллар қурилган [5].

Юқорида таъкидланганидек, темир йўлларнинг Туркистон ўлкасининг тобора ичкарасига кириб боришидан мақсад, бу ерлардан кўпроқ хом ашё олиб кетиш ва Россиянинг марказий ҳудудларидан тайёр маҳсулотларни етказиб беришдан иборат эди. Ўрта Осиё темир йўлидан тозаланган пахта нижати бўйича асосий жойлар йилига фоиз ҳисобида қуйидагича тақсимланган: 1) Андижон ...18,8; 2) Қўқон ...15,1; 3) Горчаково...8,7; 4) Чарджўй...6,7; 5) Когон...7,1; 6) Федченко...6,1 [6].

Империя ҳукумати Туркистон ўлкасидан хом ашё манбаи сифатида фойдаланишга ҳаракат қилди. Шу сабабли иложи борица фақат хазинага катта фойда келтириши мумкин бўлган соҳаларда иш олиб борган акциядорлик жамиятларини ўлкага кириб келишига зарур шароит яратиб берилди.

Темир йўли соҳаси стратегик аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли XX аср бошларигача фақат давлат маблағи ҳисобига қурилди. Лекин ушбу ишларда катта маблағ талаб этилганлиги сабабли, хусусий маблағларни жалб этишга мажбур этди. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, империя ҳукумати имкони борица хорижий сармояларни ушбу соҳаларга киритилишига қанчалик тўсқинлик қилмасин, давр тақозоси ва иқтисодий эҳтиёжлар унинг хоҳиш-истакларини тўла амалга оширишга имкон бермади. Ўлкада турли йўллар билан бўлсада, акциядорлик жамиятлари, савдо – саноат ширкатлари ва бошқа тижорат ташкилотларининг фаолияти тобора кенгайиб борди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзР МДА. ф. - 1, 16- рўйхат, 2228– иш, 54. -варак.
2. Ахмеджанова З.К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880-1917).-Т.,1965.-С.43.
3. История Узбекской ССР. Т-1, 1956.- С. 230
4. Ойна (1914-1915).- Т., 2001.- С. 15.
5. История Узбекской ССР. Т-1, 1956.- С. 230.
6. Азиатская Россия. Т- 2, Земля и хозяйство,1914.- С. 422.

ЎУК: 930

БУХОРО ВОҲАСИНИНГ АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

(Варахша археологик ёдгорлиги мисолида)

А.Т. Очиллов, таянч докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро воҳасидаги антик ва илк ўрта асрлар даврига тааллуқли Варахша археологик ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар тарихи уч даврга бўлиб ўрганилди.

Қалим сўзлар: Варахша, археологик тадқиқотлар, антик давр, ўрта асрлар, шурф.

Аннотация. В данной статье история древних и раннесредневековых археологических памятников Бухарского оазиса изучается разделением на три периода на примере археологического памятника Варахша.

Ключевые слова: Варахша, археологические исследования, античный период, средневековье, шурф.

Abstract. This article examines the history of the ancient and early medieval archeological monuments in the Bukhara oasis in Varakhsha.

Keywords: Varakhsha, archaeological research, antique period, medieval, scarf.

Варахшани археологик ўрганилиш тарихини уч даврга бўлиб ўрганишимиз мумкин.

1-давр: 1937-1940 йилларда ҳудудда олиб борилган тадқиқотлар.

2-давр: 1947-1954 йилларда ҳудудда олиб борилган тадқиқотлар.

3-давр: 1970-1990 йилларда ҳудудда олиб борилган тадқиқотлар.